Gazeta 1997 yil 27 avgustdan chiqa boshlagan

№ 42 (158), 25 - 31 oktabr, 2000 yil

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

YURIDIK GAZETA

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фондининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси прокуратураси делегацияси шу йилнинг 4-15 октябрь кунлари расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди ва ушбу Фонд томонидан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди.**
**Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратураси вакилларининг мазкур анжумандаги иштироки ва ХХР ҳамда республикамиз прокуратураси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ҳақида сўз юритилади.**



**Суратда: Томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланаётган пайт.**

## ТИКЛАНАЁТГАН АЛОҚАЛАР

Бугунги кунда ҳар томонлама ривожланиб бораётган ўзбек-хитой муносабатлари ҳақида гапиришдан олдин, бу алоқаларнинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Маълумки, дунёнинг икки қутби — Европа ва Осиё мамлакатларини ўзаро боғлаб келган Буюк Ипак Йўлининг катта қисми давлатимиз ҳудуди орқали ўтган. Бу эса аждодларимизнинг ҳам Европа, ҳам Осиё давлатлари билан ўзаро алоқа боғлашларида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ўша пайтлари Чин давлати номи билан машҳур бўлган ҳозирги Хитой ва ўлкамиз ўртасидаги дўстлик ҳамда савдо-сотиқ алоқалари гуркираб яшнаган. Кейинчалик узоқ йиллар давомида бу алоқалар узилиб қолди. Буюк Ипак йўли унутиб кетилаёзди.

Ўзбекистон мустақиликка эришгач, Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб мамлакатимизни халқаро субъектнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олди ва республикамиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди. Давлатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар эса 1992 йил 2 январдан йўлга қўйилган. Ушбу ўтган давр ичида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов уч маротаба расмий ташриф билан Хитойда бўлди. Шунингдек, ХХР раиси Цзян Цзэмин ва ХХР Давлат кенгаши бош вазири Ли Пэн жаноблари ҳам республикамизда юқори мартабали меҳмонлар сифатида кутиб олинган эдилар.

Мазкур ташрифларнинг самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар кўлами янада кенгайди.

## БУГУНГИ ХИТОЙ

Маълумки, Хитой ҳудуди (9.596.960 кв.км) катталиги жиҳатидан Россия, Канада ва АҚШдан сўнг дунёда тўртинчи ўринда туради. Шарқий Осиёда жойлашган ушбу мамлакат чегараларининг умумий узунлиги 36,5 минг километрдан иборат.

ХХР маъмурий жиҳатдан 23 та провинция, 5 та автоном район, марказга бўйсунувчи тўртта шаҳар ва Сянган (Гонг-конг) ҳамда Маккаодан иборат иккита алоҳида маъмурий районларга бўлинади.

Аҳоли сони жиҳатидан ХХР бугунги кунда ҳам жаҳондаги етакчи давлат сифатида эътироф этилади.

Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакат аҳолиси 1 млрд. 259 млн. киши деб қайд этилган. 56 миллатдан иборат аҳолининг 92 фоизини хитойлар ташкил этади.

## ХХРНИНГ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ТИЗИМИ

Хитой ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимини Олий халқ прокуратура идоралари, халқ суди ҳамда жамоат ва давлат хавфсизлиги вазирлиги ташкил этади. Улар ичида прокуратура идоралари муҳим мавқега эга.

Мамлакат Конституциясига биноан халқ прокуратураси қонунларнинг аниқ бажарилишини назорат этувчи давлат органи ҳисобланади. Ушбу давлат органи Олий халқ прокуратураси, ундан қуйи турувчи халқ прокуратуралари, ҳарбий прокуратура ва бошқа махсус халқ прокуратураларидан ташкил топган. Айни пайтда Олий халқ прокуратурасига Хон Чжубин раҳбарлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

# ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1-ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон ЭРГАШЕВнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари**

**Мухбир** — ***Муҳтарам Азимжон Урдушевич, суҳбатимизни мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланган ва шунинг учун ҳам прокурор назоратининг муҳим қисмини ташкил этган ёшлар тарбияси масаласидан бошласак. Мустақиллик йилларида бу борада қандай ютуқларга эришилди, қандай муаммолар бор?***

**А.Эргашев** — Таъкидлаганингиздек ёшлар масаласи, ёшлар сиёсати Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Аҳолисининг 40 фоиздан кўпроғини ёшлар ва болалар ташкил этган мамлакатда давлат табиий равишда бу имтиёзли табақа манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун мустақиллик эълон қилингандан кейин қабул қилинган илк қонунлардан бири ҳам «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун бўлган эди. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган мазкур қонуннинг моҳияти халқимиз руҳидаги болажонлик, фарзандига то туғилгандан уйли-жойли бўлиб, камолга етгунга қадар ғамхўрлик қилишдек ўзбекона урф-одатларга асосланган. Айни пайтда ушбу қонун ёшларимизни билимли, касб-ҳунарли бўлиш, ватанга садоқат билан хизмат қилишга ундайди, шу мақсаддаги барча ҳаракатларини рағбатлантиради ва кафолатлайди. Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Ёшларнинг шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ғамхўрлиги билан қамраб олинганлиги мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг муваффақиятини таъминловчи бош омил эканини алоҳида қайд этмоқ даркор. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили», 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Аёллар йили» ва 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши, булар асосида қабул қилинган кенг қамровли «Давлат дастурлари», «Таълим тўғрисида»ги қонун ва дастур доирасида амалга оширилган ишларни, ўтказилаётган тадбирларни дунёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳам эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг ишончи ва эътибори туфайли мустақиллик йилларида кўплаб ёш мутахассислар масъулиятли вазифаларга ишга юборилди. Бошқарув ва раҳбарлик органларининг таркиби қобилиятли ёшлар ҳисобига тубдан ўзгарди.

(Давоми 3-бетда.)

# ТАЙИНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан Муҳитдинов Равшан Абдулатифович Жиззах вилояти прокурори этиб тайинланди.**

Равшан Муҳитдинов 1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли, 1985 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилдан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокуратурасида иш ўрганувчи вазифасидан бошлаган. 1985 йил декабридан 1992 йил ноябрь ойига қадар Тошкент шаҳар прокуратурасининг тергов бўлими прокурори, катта прокурори, 1992-1995 йилларда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман прокурорининг ўринбосари, 1995-1998 йилларда республика прокуратураси ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси прокурори, республика прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1998 йилдан 2000 йилнинг шу даврига қадар қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимларда меҳнат қилган.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

# ЛОҚАЙДЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

**Яқинда Оқсарой қароргоҳида пахтачилик соҳасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган мазкур йиғилишда Президент Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари иштирок этишди.**

**Маълумки, бу йил қишлоқ хўжалигида юзага келган қатор қийинчиликлар деҳқонларимиз учун синов бўлди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, пахтачилик соҳасидаги қийинчиликлар кўзга яққол ташланди.**

**Пахтачилик ўзига хос машаққатли иш. Буни деҳқонларимиз жуда яхши билишади. Унинг парваришидаги ҳар бир хато-камчилик ҳосил чўғига салбий таъсир қилади. Бу йил, айниқса, сув танқислиги сабабли бу соҳада жиддий муаммоларга дуч келинди. Бироқ, бу билан айбни ювиб бўлмайди. Хўжасизлик, лоқайдлик, ишни ўз вақтида ташкил этмаслик каби иллатлар ҳамон учраб турибди.**

**Худди шу куни республика прокуратурасида бўлиб ўтган йиғилиш шу камчилик ва нуқсонларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланди. Йиғилишда вилоят прокурорлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирок этишди.**

**Республика Бош прокурори Р.Қодиров пахтачилик соҳасидаги муаммоларни бартараф этишда прокуратура идораларининг ҳам иштироки этишини алоҳида таъкидлади. Жумладан, агротехника қоидаларидан тўғри фойдаланиш, уларнинг техник созлигини назорат қилиб бориш лозим. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид ҳукумат қарорларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, ижросини таъминлаш жойлардаги прокуратура идораларининг диққат эътиборида бўлиши керак. Шунингдек, мавжуд техникалардан унумсиз фойдаланаётган, маъмурий буйруқбозлик, лоқайдликка йўл қўяётган раҳбарларга нисбатан қатъий чораларни қўллаш лозимлиги таъкидланди.**





*XXI асрнинг илк йилида ҳам «Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар бир хонадонга кириб борсин, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин. 2001 йил учун нашрларимизга обуна давом этаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Ҳуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» — бу Сизнинг минбарингиз. Бу — мустақиллик минбари.*

Индексларимиз:
«Қонун ҳимоясида» — 839, 840.
«Ҳуқуқ» — 231, 232.

«HUQUQ»
YURIDIK GAZETA

**Ta`sischilar**
O`zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**
**A.ABDURAZZOQOV**

**Tahrir hay`ati:**
Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po`latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas`ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot qo`mitasida №00150 raqam bilan ro`yxatga olingan
Nashr ko`rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G`ulomov ko`chasi, 66-uy.
**Telefon:** 133-82-34
**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo`lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas`ul. Nashrimizdan ko`chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko`rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat kompyuter markazida Pentium-II MMX - 333 kompyuterida sahifalandi. Sahifalovchi B. SAIDOV. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxona manzili: *Toshkent shahri, Buyuk Turon ko`chasi, 41.*

Buyurtma Г - 951
Nusxasi — 13177
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.30
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
**Navbatchi muharrir D.HALILOV**
**Navbatchi: N. MAHMUDOV**
Sotuvda erkin narxda
**1 2 3 4 5 6 7 8**

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Бошланиши 1-бетда.)

ХХР прокуратура идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари йирик кўламдаги жиноятлар билан боғлиқ ишларни тергов қилиш, инсон эркинлиги ва демократик ҳуқуқларига риоя қилиниши, шунингдек, халқ судлари ва жамоат хавфсизлиги ҳамда давлат тизимидаги бошқа идоралар устидан назорат олиб боришдан иборат. Прокурорлар худди Ўзбекистондаги ҳамкасблари каби қамоққа олиш ҳақида санкция бериш, судлар томонидан қонунга номувофиқ чиқарилган ҳукм ва қарорлар устидан протест киритиш, қамоқхоналар, ахлоқ-тузатиш муассасалари фаолиятини назорат қилиш ҳамда давлат назоратининг бошқа функцияларини бажариш ҳуқуқига эгадирлар.

ХХР Олий халқ прокуратураси халқаро миқёсда фаол иш олиб бормоқда ва ҳозирда кўплаб мамлакатларнинг прокуратура идоралари билан ўзаро ҳамкорлик битимлари тузган.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари тобора юқори поғонага кўтарилмоқда. Иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий йўналишларда ва коммуникация соҳасида, фан-техника, таълим, маданият ва туризм жабҳаларидаги алоқалар ижобий натижалар бермоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлатлараро ва ҳукуматлараро 37 та шартнома имзоланган. Иккала мамлакатнинг қуролли кучлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Давлатларнинг мазкур идоралари ўртасида биргаликда фаолият кўрсатиш хусусида қатор шартномалар имзоланган.

## ПРОКУРАТУРАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Хитой Олий халқ прокуратураси делегациясининг мамлакатимизга илк ташрифи бундан етти йил муқаддам амалга оширилган эди. Ўшанда хитойлик қонун ҳимоячилари республикамизнинг прокуратура идоралари иш фаолияти билан танишган, жойлардаги ахлоқ тузатиш муассасаларида бўлган эдилар. Шунингдек, Хитой делегацияси Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирган эдилар.

Орадан бир йил ўтиб, 1994 йилнинг июнь ойида эса Ўзбекистон прокуратураси вакилларидан иборат делегация ҳам Хитойга сафар қилган эди. Улар Хитой Олий халқ прокуратурасининг тузилиши ва иш фаолияти билан яқиндан танишгандилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров бошчилигидаги мамлакатимиз вакилларининг бу галги расмий ташрифи ҳам самарали ва таассуротларга бой бўлди. Делегация таркиби Президент девонининг бош инспектори Э.Жўраев, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳалимов, Навоий вилоят прокурори Б.Калонов ҳамда ушбу мақола муаллифидан иборат эди.

11 октябрь эса ташрифнинг энг самарали куни бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хон Чжубин билан учрашди. Мазкур учрашув чоғида томонлар ўртасида «Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим имзоланди.

Мазкур мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори хитойлик ҳамкасбларига мамлакатимиз прокуратурасининг давлат тизимида тутган ўрни, унинг вазифалари ва прокурорлик назоратининг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб берди. Хитой томонини айниқса, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг терроризм ва халқаро миқёсдаги жиноятчиликка қарши кураш тажрибалари қизиқтирди.

Ушбу учрашув чоғида мамлакатимиз томонидан Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчиси И.Эргашев ҳам иштирок этди.

Расмий ташриф давомида делегациямиз аъзолари Шеньси провинцияси маркази — Сиан шаҳрида бўлдилар. Ҳамюртларимиз бу ерда провинциянинг Халқ йиғини раиси билан учрашдилар, ҳудуднинг тарихи ва унинг истиқболдаги ривожлантириш режалари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, ушбу провинция прокурори билан республикамиз делегациясининг учрашуви ўтказилди. Сўнгра ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар шаҳардаги жазони ижро этиш муассасасига ташриф буюриб, бу ердаги тартиб-қоидалар, жазони ўтаётганларнинг яшаш ва меҳнат фаолиятлари билан танишдилар. Делегациямиз Хитойдаги яна бир йирик провинция — Фуцзяннинг маъмурий маркази Фучжоу шаҳрида ҳам бўлди. Уларнинг провинция прокурори ҳамда Фучжоу шаҳар халқ йиғини раиси ва бошқа расмий шахслар билан мулоқотлари жуда самарали ўтди.





## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲУҚУҚШУНОСЛАР ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА

12 октябрь куни Пекиндаги Умумхитой халқ йиғини вакиллари биносида Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фондининг 8-халқаро конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияда дунёнинг 73 мамлакатидан ташриф буюрган Бош прокурорлар, адлия вазирлари ва суд вакилларидан иборат 600 дан ортиқ делегат иштирок этди.

Конференция олдидан ХХР Умумхитой халқ йиғини вакилларининг доимий қўмитаси Раиси Ли Пэн Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров билан учрашди.

Конференция ишини ҳам Ли Пэн жаноблари кириш сўзи билан очди ва унинг барча иштирокчиларини қизғин қутлади. Шундан сўнг халқаро кенгаш ўз ишини бошлади.

Анжуман қатнашчилари 5 ишчи гуруҳига бўлинган бўлиб, шулардан иккитасида мамлакатимиз Бош прокурори раисга ҳамкорлик қилди.

Беш кун давом этган ушбу халқаро конференцияда ҳозирги кунда дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди ва муҳокама этилди.

Конференция давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Болгария Республикаси Бош прокурори Н.Филчев, Тожикистон Республикаси Бош прокурори Б.Бобохонов ҳамда Адлия вазири Ш.Исломов, Россия Федерацияси Бош прокурори ўринбосари К.Чайка, Осиёда жиноятчиликка қарши кураш Фондининг доимий раиси Редо хоним ва бошқалар билан амалий учрашувлар ўтказди.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз ҳуқуқшунослари делегациясининг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фонди томонидан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятида муҳим воқеа бўлди.

**Бахтиёр ХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси**

**Суратларда: Ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар Хитой Халқ Республикасида.**

ТАДБИР

# ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Фарғона шаҳрида юқоридаги мавзуда семинар-машғулот бўлиб ўтди. Унга вилоят прокуратураси, адлия, суд идоралари, адвокатлар уюшмалари ходимлари таклиф этилдилар. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ қўмитаси раисининг ўринбосари, республика судьялар ассоциацияси раиси А.Тўхташев маъруза қилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, Ўзбекистон Республикасининг «Суд тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси, Жиноят Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва бошқа айрим ҳуқуққа оид қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишининг зарурияти тўғрисида батафсил сўз юритилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессиясида Президентимиз суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш лозимлигини уқтирган эди. Президентнинг 2000 йил 19 февраль кунги Фармони билан суд-ҳуқуқ ислоҳоти комиссияси тузилди. Унинг Дастурлари ишлаб чиқилди. Шу асосда амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар тайёрланмоқда. Суд тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси шу жумладандир. Ушбу лойиҳа бир қарашда аввалгисидан унчалик фарқ қилмайдигандай туюлиши мумкин. Аммо унда шундай нормалар борки, Жиноят кодексига янги боб, бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда.

Янги қонунда судда ишларини кўришнинг процессуал жараёнлари такомиллаштирилади. Судларни фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича ихтисослаштириш кўзда тутилган. Ишни апелляция тартибида кўриш нормалари белгиланади.

Шунингдек, А.Тўхташев вилоят суди президиумларини янгича ташкил этиш, айрим жиноятлар учун оғир жазо чораларини енгиллаштириш, хусусий айблов институтини кенгайтириш, томонларни келиштириб, яраштириш имкониятларини қўллаш, айбни бўйнига олиш институтининг мазмун-моҳияти каби масалалар бўйича фикр- мулоҳазаларини баён этди ҳамда йиғилиш қатнашчиларининг айрим саволларига жавоб берди.

Семинар машғулотида вилоят прокурорининг ўринбосари Н.Исоқов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Акбаров, вилоят хўжалик судининг раиси Б. Махамадов, вилоят суди раисининг ўринбосари З.Ҳамидов қатнашди.

**И.ИБРОҲИМОВ,**
**«Ҳуқуқ» мухбири**

# ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1-ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон ЭРГАШЕВнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари**

(Бошланиши 1-бетда.)

Жаҳоннинг энг нуфузли билим даргоҳларини тугатган, таълим олаётган иқтидорли ёшларимизнинг муваффақиятларидан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Фан ва маданият, ишлаб чиқариш ва бунёдкорлик соҳасида ёшларимиз кўрсатаётган мўъжизалар Ўзбекистон келажаги ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.

Халқ, Ватан ҳар доим ўзининг навқирон ўғлонлари, жасур фарзандларига суянади. Ўзбекистон Конституцияси ва у асосида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар ёшларимизда ватанпарварлик хислатларини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Бу соҳада Ўзбекистон ёшлари қандай имкониятларга эга эканлигига яқинда Сариосиё ва Узун туманларида ҳамда Бўстонлиқ тоғларида аскар йигитларимиз кўрсатган жасорат ёрқин мисол бўла олади. Президентимиз шу йилнинг 26 сентябрь куни расмий ташриф билан Бишкекка жўнаб кета туриб, журналистларга берган интервьюсида «Бизнинг ҳар қандай хавфни бартараф қилишга қудрати етадиган қуролли кучларимиз бор» деганларида аскар йигитларимизнинг ана шу салоҳиятини назарда тутганлигини яхши биламиз.

Мен юқорида ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатловчи асосий қонун ҳужжатлари доирасида мулоҳаза юритдим. Қонунларимиз табиатидаги етакчи хусусият инсон-фуқаро манфаатининг устуворлиги эканини эътиборга олсак, бу борадаги прокурор назорати, аввало, ёшларнинг манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилганлиги аён бўлади. Шу маънода ёшларимиз эришаётган муваффақиятларда прокуратура ходимларининг ҳам муносиб улуши борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Давлатимиз ёшлар учун, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказмоқ учун жуда катта маблағ ажратади. Бу маблағлар жойига етиб бориши ва кўзланган мақсадга сарфланиши шарт. Республика прокуратураси идоралари маблағларнинг мақсадли сарфланиши масаласида жуда катта назорат ишларини олиб бормоқда.

Ёшларни, фарзандларимизни демократик жамият талабларига монанд равишда ҳуқуқий саводхон қилиб тарбиялаш, қонунларимизни ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиб яшашга ўргатиш бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари қатори прокуратура фаолиятининг ҳам муҳим йўналишини ташкил этади. Прокурорларимизнинг мактаблар ва ўқув юртлари билан ҳамкорлиги йил сайин яхшиланиб бормоқда. Гулистон ва Сирдарё шаҳарларида прокуратуранинг ташаббуси билан юридик лицейлар ташкил этилган. Ҳуқуқшуносларимиз бу лицейларда машғулотлар ўтказиш, имтиҳонларда қатнашиш билан чегараланиб қолмасдан, бошқа ташкилий масалаларда ҳам мактаб маъмуриятига яқиндан ёрдам бериб келади. Прокурорлар оталиқ қилаётган бундай лицейлар Бухорода, Термизда, Андижонда ва мамлакатимизнинг бошқа бир қатор ҳудудларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.



Прокуратура ходимларининг коллежлар ва университетлар аудиторияларида ёшлар билан учрашувлари ҳам амалий аҳамиятга эга. Республика прокуратураси Ўзбекистон миллий университети ёшлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу учрашувларда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олибгина қолмай, ўз навбатида биз ҳам ёшлар муаммоларининг муҳим жиҳатларини аниқроқ тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз. Кейинги пайтда прокуратура оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Матбуот, телевидение ва радио жуда катта ҳуқуқий тарбия минбари. Шунинг учун ундан самарали фойдаланиш ҳар бир прокуратура ходими олдига вазифа қилиб қўйилган. Буларнинг ёнига барча вилоятларда ва республикада бевосита прокуратуранинг ташаббуси билан чоп этилаётган ҳуқуқий нашрларни қўшсак, тизимимиз катта тарғибот-ташвиқот воситаларидан фойдаланаётгани маълум бўлади. Бироқ бу борада жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас.



Агар 1998 йилдан ҳозирга қадар ёшлар ва ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятнинг диаграммасига назар соладиган бўлсак, ўсиш юз бераётганини кўрамиз. Ўтган йили 1998 йилга нисбатан жиноят содир этган ёшлар ва ўсмирлар сони қарийб 3,5 мингтага кўпайган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан улар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг кўпайиши кузатилди. Энг ачинарлиси, ёшлар томонидан қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, гиёвандлик, ўғирлик каби оғир тур жиноятларнинг содир этилиши ҳолатлари ўсган.

**Мухбир** — ***Афсуски, иймони суст, истиқлол берган имкониятларни чуқур ҳис этолмаган айрим ёшларимиз диний-экстремистик оқим тарафдорлари сафига қўшилиб, жиноят содир этмоқдалар...***

**А.Эргашев** — Тўғри айтдингиз. Ватан ҳимояси, мустақиллик учун фидойи бўлиш йигитга қандай шараф келтиришини Сурхондарё тоғларида сарҳадларимизни босқинчилардан ҳимоя қилиб, мардларча ҳалок бўлган жангчилар мисолида ҳаммамиз кўрдик. Бунинг акси ўлароқ, Ватанига, халқига, президентига хиёнат қилиб, ўз уйига қурол кўтариб келган кимсаларнинг жасадини олишга ҳатто қариндошлари ор қилганини ҳам кўрдик. Сотқиннинг қисмати бундан бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Қадриятларимизга бегона бўлган диний-экстремистик оқим тарафдорларига нисбатан халқимиз ана шундай қатъий ҳукм чиқарди. Бу йўлдан адашган кўпгина ёшларни, уларнинг ота-оналарини ва яқинларини ҳушёр торттирди. «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» шу йилнинг 6 сентябрида чиқарилган Президент Фармонидан сўнг кўпгина ёшлар авф сўраб ўз уйларига қайтмоқдалар. Бош эгиб келган бундай ёшларнинг тезроқ ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлари учун ҳамма чораларни кўрамиз. Бироқ диний-экстремизм ҳали ҳаётимиздан таг-томири билан суғуриб ташланган йўқ. Ўзини мухолифат санаб, қўшни давлатларда оч бўридек санғиб юрган бир ҳовуч жиноятчи тўдаларга нисбатан халқимизнинг, давлатимизнинг тутган йўли аниқ.

АҚШ давлат департаментининг шу йил 15 сентябрда эълон қилган баёнотига биноан «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг террорчи ташкилот деб эълон қилиниши диний-экстремизмга қарши Ўзбекистон давлати юритаётган сиёсатнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига жонли бир мисолдир.

**Мухбир** — ***Азимжон Урдушевич! Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, умуман, ёшларга дахлдор бошқа муаммоларни ҳал этиш учун нималарга аҳамият бериш керак, деб ҳисоблайсиз?***

**А.Эргашев** — Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, прокуратура муайян тадбир асосида бундан кейин ҳам изчил кураш олиб бораверади. Лекин бунга қўшимча равишда суҳбатимизнинг бошида таъкидлаганимиздек, давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланган ёшлар тарбияси масаласига кенг жамоатчиликни сафарбар эта олсаккина, кутилган самарага эриша оламиз.

Мен бу ўринда ота-она, мактаб, маҳалла, ўқув юртлари тизимида муҳим ўринни эгаллаши керак бўлган жамоат ташкилотлари, хусусан бу масалага бевосита масъул бўлган «Камолот» республика ёшлар жамғармасини назарда тутмоқдаман. Тўғри, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Умид», «Соғлом авлод» жамғармалари қаторида «Камолот» жамғармаси ҳам ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, «биз собиқ комсомолнинг мулкига меросхўр бўлганимиз билан амалда комсомолнинг ишини бажармаймиз» деб, ўз фаолиятини асосан хайрия тадбирлари билан чеклаб қўйиш ҳам инсофдан эмас-да. Ахир «Камолот» жамғармасининг низомида ёзиб қўйилган, «ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, уларнинг чуқур билим олишлари, юксак маънавият эгаси бўлишлари, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш» вазифалари бевосита мустақиллик мафкурасига дахлдор-ку.

Ушбу низомга кўра, «ёшларни Конституция, қонунлар, давлат ва ҳукумат қарорларини ҳурмат қилиш ва амал қилиш руҳида тарбиялаш, жамиятда қонуннинг устун бўлишига эришиш ишида фаол қатнашиш» жамғарманинг асосий вазифалари қаторида белгилаб қўйилган. Бироқ жиноят қилган, диний-экстремистик оқим тарафдорлари сафига қўшилиб қолган ёшларнинг биронтаси тергов пайтида «Камолот» жамғармасининг нима иш қилишини айтиб бера олмади. Ҳатто уларнинг кўпчилиги шундай жамғарма борлигидан мутлақо хабарсиз эканликларини билдиришган.

Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра мамлакатимиз бўйича 260 мингдан ошиқ ўқимасдан, ишламасдан юрган ўсмир ва ёшлар борлиги қайд этилган. Энди шунча миқдорда бекорчи ва назоратсиз қолган, демак, жиноят қилишга мойил вояга етмаганлар ва ёшлар «Камолот» жамғармасининг ҳам эътиборидан четда қолгани ва унинг аччиқ оқибатларини бир тасаввур этиб кўрайлик!

Ўйлаймизки, жамғарманинг янги раҳбарияти ўз фаолиятини ташкил этишда бу каби ёшлар маънавиятига дахлдор долзарб масалаларни ечишга алоҳида аҳамият беради.

Бизнинг назаримизда бу вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

Биринчидан, ёшлар ўртасида олиб борилаётган мафкуравий ишлар фақатгина қоғозларда ва юзаки бўлмасдан, амалий ишларда ўз аксини топиши керак. Шиорбозлик, қоғозбозлик ва чақириқлар даври ўтган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мафкуравий майдонда бўшлиқ, танаффус ва юзакичилик бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ўз низомида белгилаб олганидек, ёшларнинг ҳақиқий етакчисига айланиши керак. Бунинг учун камолотчилар ҳар бир мактабга, талаба ёшлар орасига, маҳаллага ва керак бўлса, ҳар бир оилага кириб бориши шарт. Ҳар бир ўқув юртининг ўз камолотчилари бўлсин ва у атрофидаги ёшларнинг чинакам ҳамкорига айлансин.

Учинчидан, жамиятда шундай муҳит вужудга келтириш кераккки, унда вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноят ва ҳуқуқбузарлик фавқулодда ҳодиса сифатида қараладиган бўлсин.

Ҳар бир жиноят ва ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган туб сабабларни аниқлаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда уларни бартараф этиш чораларини кўриш керак.

Тўртинчидан, ўсмирлар ва ёшлар ҳимояга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож табақа эканлигини назарда тутиб, бирон бир жойда уларнинг ҳуқуқлари бузилган ёки манфаатларига зарар етказилган ҳолатлар аниқланса, «Камолот» жамғармаси ёшларнинг биринчи навбатдаги ҳимоячиси ва тарафдори сифатида ўзини кўрсатсин. Ана шунда ёшларнинг ўз жамғармаларига ишончи ортади. Унинг фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватловчилар кўпаяди. Энг муҳими, бу тадбирлар мавсумий эмас, доимий равишда ўтказилишига эришмоқ даркор.

**Мухбир** — ***Суҳбатимиз сўнгида XXI аср ёшлари ҳақидаги тасаввурларингизни газетхонлар билан ўртоқлашсангиз.***

**А.Эргашев** — XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ҳаммамиз учун жуда шиддатли кечди. Халқимиз иқтисодда ҳам, сиёсатда ҳам, мафкурада ҳам бир неча ўн йилларга татигулик воқеаларни бошидан кечирди. Назаримда шунинг учун ҳам ёшларимиз тез улғайди.

Суҳбатимиз бошида таъкидланганидек, шунинг учун ҳам ёшлар ишонч билан масъулиятли вазифаларга йўлланмоқда.

Миллий қадриятларга мустаҳкам таяниб, дунёвий билим ва ҳунарларни эгаллаб олаётган ёшларимизнинг фазилатлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Аммо мен ёш дўстларимдаги битта фазилатга алоҳида тўхталмоқчиман. Бу — ватанпарварлик.

Сурхондарё тоғларида Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган ўғлонларимизнинг оналари аччиқ изтироб, оғир айрилиқ устида туриб ҳам мардоналик билан истиқлол учун кўксини қалқон қилган фарзанди ҳақида ифтихор билан гапирганини ҳаммамиз телевизор орқали кўрдик, эшитдик. Самарқандда, Фарғонада, Сирдарёда, Термизда, бутун Ўзбекистонда юз минглаб, миллионлаб бундай фидойи оналар яшамоқда ва фарзанд ўстирмоқда. Демак юз минглаб, миллионлаб ватанпарвар ўғил-қизлар ҳаётимизга гуриллаб кириб келмоқда. Шундай фарзандлари бор эл асло кам бўлмайди.

**Суҳбатдош: Салим АШУР**

(«Туркистон» газетасининг 2000 йил 18 октябрь сонидан олинди.)

# ПРОКУРАТУРА

**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудларида ҳамда 1999 йил 16 февралда содир этилган кўпорувчилик ҳаракатларини ташкиллаштирган Йўлдошев Тоҳир, Хожиев Жумабой, Мадаминов Салай ва бу жиноятларни содир этишда бевосита иштирок этган Козиев Муродилла, Бобожонов Улуғбек, Раҳманов Хомиджон, Каримов Шовкат, Джалолов Нажмиддин, Умаров Йўлдош, Абдувоҳидов Олимжон, Шукуров Усмон ва Маҳмудов Улуғбекларга нисбатан жиноят иши тергови якунланди.**

**Олиб борилган тергов ҳаракатлари мазкур кимсалар томонидан қуйидаги мудҳиш ва ўта оғир жиноятлар содир этилганлигини кўрсатди.**

1988-1989 йилларда Т.Йўлдошев жиноий шериги Ж.Хожиев билан биргаликда дин ниқоби остида келиб, аслида диний экстремистик дунёқарашларни тарғиб қилиш, адоват ёйиш ва уруш чиқариш, шунингдек, таъмагирлик мақсадларини кўзлаган «Таблиҳчи»лар жамоасига аъзо бўлиб киришган ҳамда Ўзбекистон Республикасида мавжуд Конституциявий тузумни ағдаришга қаратилган фаолият билан шуғулланиб келишган.

1989 йил бошларида Тошкент шаҳрида А.Ўтаев, О.Назаров ва бошқалар томонидан «Ислом уйғониш ҳизби» деб номланувчи норасмий ташкилот тузишга ҳаракат бошланган бўлиб, Т.Йўлдошев ва Ж.Хожиевлар Наманганда бу ташкилотнинг бўлимини очишга киришади. Ўзларининг ҳамтовоқлари бўлган Эгамбердиев Вали, Хожиев Рахимжон, Йўлдошев Абдували ва бошқаларни ёвуз ниятли бу ташкилотга жалб этади. Улар динни тарғиб қилиш ниқоби остида Ўзбекистондаги мавжуд Конституциявий тузумга қарши бузғунчилик ҳаракатларини бошлаб юборади.

Тоҳир Йўлдошев жиноий йўл билан топилган маблағлар ҳисобига жиноий шериклари сафини кенгайтириб боради. 1990-1991 йилларда Наманган вилоятида маҳаллий давлат бошқарув идораларининг айрим ваколатларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиб, қонунсиз уюшмалар тузади. Аниқроғи, жиноий гуруҳлар тузиб, уларнинг олдига биринчи навбатда текин даромад топиш вазифасини қўяди.

Жумладан, 1991 йилнинг август-сентябр ойларида гўёки жамиятни ўғрилардан тозалашга хизмат қилувчи ноқонуний «Адолат» деган уюшма ташкил қилиниб, унга Ҳ.Сатимов раҳбар этиб тайинланган.

1991 йилнинг октябр ойидан 1992 йил март ойига қадар мазкур уюшма аъзолари томонидан фуқаролар Мўминов Ҳабибулло, Турғунов Мусажон, Исмоилов Луқмонжонлар асоссиз равишда ўғирлик жиноятини содир этишда айбланганлар. Шунингдек, Дадамирзаев Умар, Абдуллаев Ориф, Воронина Оксана, Митюнина Елена ва унинг вояга етмаган қизи Мухамедханова Зулфия, Воронин Александр, Турғунов Исмоил каби бир қанча фуқаролар асоссиз равишда қотилликда айбланишган. «Адолат» уюшмаси аъзолари томонидан улар ечинтирилиб, устларидан совуқ сув қуйилиб, оёқ ва қўлларидан осиб қўйилиб, ваҳшийларча калтакланганлар. Овқат, сув бермасдан қийнаб, аслида содир этмаган жиноятлари учун иқрорлик талаб этганлар ва улардан товламачилик билан катта миқдорда пул талаб қилиб олинган.

Етказилган ўта оғир тан жароҳатлари натижасида фуқаролар И.Турғунов ва А.Воронинлар вафот этганлар.

Янада даҳшатлироқ, ҳар қандай жиноятларни содир қилишга қодир бўлган қуролланган жамоалар тузиш, улар ёрдамида кўпроқ даромад топиш мақсадида 1990 йилда «Товба» деб аталган халқаро диний экстремистик ташкилот билан яқин алоқа ўрнатилган. Наманган шаҳридаги «Отауллахон» масжидида бу ташкилотнинг алоҳида бўлими ташкил этилиб, унга Йўлдошев Абдували раҳбар этиб тайинланган.

Мазкур уюшмага даъват йўли билан ёш йигитлар аъзоликка қабул қилинган.

1990-91 йилларда Наманган ва бошқа вилоятларда ташкил топган турли диний, сиёсий ва бошқа норасмий ташкилотларни ўзига бўйсундириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Тоҳир Йўлдошев ва Жума Хожиевлар томонидан 1991 йил октябр ойида Наманган шаҳрида «Ислом Маркази» норасмий ташкилоти тузилиб, унга Т.Йўлдошев шахсан раҳбарлик қила бошлаган.

«Ислом уйғониш ҳизби», «Адолат», «Товба» ва «Ислом Маркази» норасмий ташкилотлари аъзоларини «Ислом лашкарлари» деб аташиб, уларнинг сафларига диний ақидапараст ва жиноят содир қилишга мойил бўлган шахслар жалб қилинган. Ўзларини жамиятни исломлаштириш, адолат учун курашувчилар деб кўрсатишган. Аслида эса, «Ислом лашкарлари» бадавлат фуқароларнинг уйларига қуролли ҳужумлар уюштиришиб, уларнинг мол-мулкларини эгаллаб олиб, қонунсиз бойлик орттириш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш орқали мавжуд давлат тузумини заифлаштириш, унинг раҳбарларини обрўсизлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан мунтазам равишда шуғулланиб келишган.

1991 йил 7 ноябр куни Тоҳир Йўлдошев жиноий шериклари Ж.Хожиев, А.Йўлдошев ва бошқалар билан биргаликда қирқма милтиқ, пичоқлар билан қуролланиб, Наманган шаҳрининг К.Цеткин кўчасидаги 3-«А» уйда меҳмондорчиликда бўлган фуқаро Қамбаров Шуҳратни норасмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортганлиги учун зўрлик ишлатиб, олиб чиқиб, «Ислом Маркази»га тегишли бинога қонунсиз равишда қамаб, калтаклашган ва унинг 1000 сўм пулини товламачилик йўли билан тортиб олганлар.

1991 йилнинг ноябр ойида Наманган шаҳар «Чаманзор» даҳасидаги 17-уйнинг 20-хонадонида яшовчи, 1977 йилда туғилган, 14 ёшли Тошбоев Муҳаммадни «Ислом Маркази»нинг аъзоси Каттахўжаев Баҳодир ва бошқалар маҳалла чойхонасига олиб келиб, қўлларидан боғлаб осиб қўйишган. Уч кун давомида уни калтаклаб, овқат ва сув бермасдан, ваҳшийларча азоблаганлар. М.Тошбоевнинг онаси вояга етмаган фарзандини озод қилишларини сўраб, Т.Йўлдошев, Ж.Хожиев ва бошқаларга ҳар қанча ялиниб-ёлвормасин, аммо «шариат тарбияси» билан банд бўлган ақидапарастлар шафқат қилишмаган. Ўғлига берилган азобларга чидай олмаган она бечора ўзини ёқиб юбориш учун устига бензин қуйган вақтида мазкур воқеани кўриб турган кишилар уни тўхтатиб қолишган ва фожианинг олди олинган.

Чортоқ туманидаги собиқ «Октябрь» жамоа хўжалигининг 2-бригадаси дала шийпонини ўз қароргоҳига айлантириб олган «Ислом лашкарлари» Мамадвалиев Давлатали, Жўрабоев Акрам, Ататиллаев Абдуғофур ва бошқалар томонидан бегуноҳ фуқаролар Абдуллаев Маҳмуджон, Қодирова Муқаддас, Саидхўжаева Манзура, Мирзаахмедов Абдуқаҳҳор, Дадабоев Ҳаким, Болтабоев Мадамин, Исоқов Раҳимжон, Нуриддинов Муҳаммад, Эргашев Анвар, Аюпов Муродилла, Парпиев Муродилла, Эргашев Баҳодир, Қаюмов Абдусамат, Мирзакаримов Авазбеклар турли жиноятларни содир этганликда туҳмат қилиниб, калтакланганлар ва турли даражадаги тан жароҳатлари етказилиб, улардан кўп миқдорда пул маблағлари товламачилик йўли билан олиб қўйилган.

Т. Йўлдошев ва бошқаларнинг бундай қонунсиз ҳаракатлари халқ орасида қаттиқ эътирозларга сабаб бўлиб, тегишли идораларга кўплаб аризалар ва шикоятлар туша бошлаган.

Мазкур норасмий ташкилотларнинг қонунсиз фаолиятлари махсус тергов - тезкор гуруҳи томонидан текширилиб, «Адолат» уюшмаси раҳбарлари Ҳ.Сатимов, А.Хожимирзаев, В.Умаров, Т.Отабоев ва бошқалар қўлга олингач, уларнинг раҳнамолари — Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Хожиевлар жиноий уюшманинг бир қанча аъзолари билан 1992 йилнинг март ойида Тожикистон Республикасига қочиб яширинганлар.

Т. Йўлдошев ва Ж. Хожиевлар тожик мухолифатининг айрим дала қўмондонлари билан келишиб, Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши жангларда иштирок этишга ёлланишган. Шунингдек, Ўзбекистонда Конституциявий тузумни ағдариб, ислом давлати қуриш учун жангарилар тайёрлаш ҳақида ўзаро жиноий тил бириктирганлар. Шу мақсадда Тожикистон Республикаси ҳудудида ўз тарафдорларини йиғиш ва қуроллантиришга киришганлар. Фарғона водийси ҳамда бошқа вилоятларда қолган тарафдорларини «жиҳод»га тайёргарлик кўриш учун Тожикистонга олиб келганлар.

Т.Йўлдошев «Тожикистон Ислом уйғониш ҳаракати» раҳбарининг ўринбосари, ўзининг қонхўрликлари билан ном чиқарган Ж.Хожиев мухолифатнинг дала қўмондони этиб тайинланган.

Т.Йўлдошев 1992 йил 22 август куни жиноий шериклари Исломов Карим, Қутфиддинов Ҳусниддин ва бошқалар билан биргаликда фуқаролар уруши давом этаётган ва қурол-аслаҳаларни қўлга киритиш қулай бўлган Афғонистондаги диний ақидапарастлар билан ҳамкорлик қилиш ва ҳарбий лагерларни ташкил этиш мақсадида қўшни давлатга қонунсиз равишда ўтган.

Халқаро террорчилар Усома бин Ладен ва Амир Хаттоблар билан дунёвий давлат тузумларига қарши биргаликда жиҳодий урушларда қатнашиш учун ёлланиб, улар билан Ўзбекистондаги мавжуд Конституциявий тузумга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш хақида жиноий тил бириктирган Т.Йўлдошев Афғонистоннинг айрим ҳудудларида ўзбекистонлик жиноий унсурлардан иборат ҳарбий дала лагерларини ташкил этган.

1993-1994 йилларда Т.Йўлдошев ва Ж.Хожиевлар Афғонистон ҳамда Тожикистондаги жангларда иштирок этган жиноий уюшма аъзоларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтаришган. Улар мамлакат ҳудудида қолган жиноий уюшма аъзолари билан бирлашиб, Фарғона водийси ва республиканинг бошқа вилоятларида ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни чорасиз ва кучсиз қилиб кўрсатиш мақсадида қатор жиноятларни содир этганлар. Босқинчилик йўли билан эгалланган маблағлар ҳисобидан «байтулмол» жамғармасини тўлдириб, ундан чет давлатларда ташкил этилган ҳарбий дала лагерлари таъминоти ва бошқа жиноий режаларни амалга оширишда фойдаланганлар.

Т.Йўлдошевнинг топшириғига кўра, Наманганда Йўлдошев Абдували («Товба» гуруҳи), Андижонда Мадалиев Шуҳрат ва Махмудов Зафар, Самарқандда Турсунбоев Йўлдош, Хоразмда Атамуродов Ҳурматбек, Тошкентда Козиев Муродиллалар раҳбарлик қилган қуролланган уюшган гуруҳлар ташкил этилган. Бу гуруҳларга жиноятга мойил шахслар жалб қилиниб, улар контрабанда йўли билан олиб кирилган автомат, тўппонча, граната каби турли қурол-яроғлар ва жиноят содир этиш учун мослаштирилган бошқа анжомлар билан таъминланган.

Мазкур гуруҳлар томонидан 1993-1999 йиллар давомида Андижон, Наманган, Хоразм, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳудудларида фуқароларнинг мол-мулкини эгаллаш мақсадида ўнлаб қотиллик, босқинчилик ва бошқа оғир жиноятлар содир этилган.

«Товба» гуруҳи раҳбари Йўлдошев Абдували ва бошқалар 1994 йил 6 май куни «Учқўрғон» жамоа хўжалигида жойлашган божхона масканига ҳужум қилишиб, божхона хизмати сержанти Қўчқоров Бурҳонни ўта шафқатсизлик билан ўлдириб, унинг қуроли, пул ва кийим-бошларини олиб кетганлар.

Мазкур жиноий тўда 1996 йил 30 октябр куни Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари Э.Р.Маматқулов хонадонига бостириб кириб, хотини ва фарзандлари оёқ-қўлини боғлаб ташлаб, улар кўз ўнгида Маматқуловни ваҳшийларча қийнаб отиб ўлдиришган. Унинг 754 960 сўмлик мулкини олиб кетишган.

Мадалиев Шуҳрат бошлиқ жиноий гуруҳ 1997 йил 30 январ куни Чортоқ шаҳрида яшовчи Носиров Муҳаммадиброҳимнинг уйига бостириб кириб, унинг отаси Носиров Мамажонни ўлдириб, жами 726700 сўмлик мулкни олиб кетган.

1997 йил 24 март куни қуролланган гуруҳ раҳбари Абдували Йўлдошев Наманган шаҳар темир йўл вокзали яқинида икки нафар милиция ходимини отиб ўлдириб, Тожикистондаги Ж.Хожиев ихтиёрида бўлган жангарилар лагерига қочиб яширинган.

Мамажонов Толиб бошлиқ жиноий гуруҳ 1997 йил 2 декабр куни Наманган шаҳрида яшовчи милиция ходими Убайдуллаев Боқижоннинг уйига бостириб кириб, турмуш ўртоғи ва фарзандлари кўз ўнгида уни ўлдириб, 201 500 сўмлик шахсий мулкини тортиб олган. Аҳолини ва ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқарув органлари ходимларини қўрқувга солиш мақсадида Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари уйи дарвозасига Б.Убайдуллаевнинг танасидан ажратилган калласини осиб кетишган.

1997 йил 12 декабр куни Охунов Расул ўз шериклари билан Абдуллаев Набижон ва унинг турмуш ўртоғини ўлдириб, уларнинг 150 500 сўмлик мулкини эгаллаганлар.

Наманган вилоятида Тоҳир Йўлдошев ва унинг тарафдорлари тузган қуролланган уюшган гуруҳ томонидан содир этилган 17 та босқинчилик ва қотиллик жиноятларида 8 нафар фуқаро ўлдирилган, 24 нафар шахсга турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган. Жабрланувчиларнинг 3 миллион 891 минг 42 сўмлик мол-мулки олиб кетилган.

1996 йил 1 декабрга ўтар кечаси босқинчи тўда Андижондаги «Биокимё» заводи директори Мадазимов Шуҳратни уйида ўлдириб, жами 100 000 сўмлик тилла тақинчоқлари ва 1 700 сўм пулини олиб кетган.

Турғунов Жамолиддин ва бошқалар 1996 йил 6 декабрга ўтар кечаси Андижондаги «Билимдон» хусусий кичик корхонаси раҳбари В.А.Бабаянцнинг уйига бостириб киришиб, унинг бўйнига симли сиртмоқ ташлаб, бўғиб ўлдиришган.

Мадалиев Шуҳрат, Алимов Орифхон ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари 1997 йил 23 март куни Андижон шаҳрида милиция ходими Ризаев Одилнинг уйига қуролли ҳужум қилиб, унинг ўзини, онаси Ризаева Мукаррамхон, турмуш ўртоғи Ризаева Манзурахон, ўғиллари Ризаев Яшинбек ва Тоҳирларни ваҳшийларча отиб ўлдиришган.

Т.Йўлдошев ва унинг ҳамтовоқларидан иборат қуролланган гуруҳлар томонидан Андижон вилоятида ҳаммаси бўлиб 12 та оилага нисбатан босқинчилик содир қилинган, натижада 7 нафар фуқаро ўлдирилган ҳамда 19 нафар фуқарога турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган.

1995-1996 йилларда Хоразм вилояти Хива шаҳридаги «Жомъе» масжидида Т. Йўлдошевнинг кўрсатмаси асосида Маҳмудов Бахтиёр, Сапаров Мансур, Ким Вячеслав, Атамуродов Ҳурматбек, Ходжаев Полвонназир ва бошқалардан иборат қуролланган гуруҳ тузилган.

1998 йил 4 декабр куни Маҳмудов Бахтиёр, Рўзметов Уйғун, Рўзметов Ойбек, Зарипов Абдуваҳоб, Ким Вячеслав, Сапаров Мансур ва бошқалардан иборат қуролланган гуруҳ Паркент тумани Қуёш поселкасида яшовчи Маматхўжаев Анварнинг уйига босқинчилик мақсадида кириб, уни ўта шафқатсизлик билан уриб ўлдиришган. Босқинчилар бу ердан телевизор, видеомагнитофон, компьютер, «Тико» автомашинаси, жами 1 173 981 сўмлик мулкни олиб чиқиб кетганлар.

Мазкур гуруҳ томонидан 1998 йил 17 декабр куни Ҳазорасп темир йўл шоҳбекатида ўзларининг хизмат бурчини ўтаётган милиция ходими Матризаев Баҳодир ва фуқаро Б.Жуманиёзовларнинг қуролларини эгаллаш мақсадида улар отиб ўлдирилган, И.Сапаевга эса оғир тан жароҳати етказилган.

Рўзметов Ойбек ва Рўзметов Уйғунлар томонидан 1998 йилнинг 29 декабр куни Туркманистоннинг Лебоб вилояти, «Газ-Ачак» қўрғонида ўз хизмат бурчини бажараётган кўчма божхона ходимлари — чегара хизмати сержанти Д.М.Дурдиев ва милиция ходими М.Абиловлар ўқотар қуролларидан отиб ўлдирилган, М.Нуриевга оғир тан жароҳати етказилган.

1999 йил 25 январ куни жиноий уюшма аъзолари С.Бобожонов, Х.Халиллаев, О.Шарипов ва бошқалар Хоразм вилояти Янгибозор туманида яшовчи Р.Қўчқоровнинг уйига ҳужум қилиб, жами 8 миллион 646 минг сўмлик мулкини тортиб олганлар.

1999 йил 30 март куни жиноий уюшма аъзолари С. Бобожонов, Х.Халиллаев ва бошқалар Тошкент-Урганч йўналишида ҳаракатланаётган «Икарус» русумли автобусдаги 26 нафар йўловчи ва икки нафар ҳайдовчини гаровга олганлар. Гаровдагиларни озод қилиш вақтида 5 нафар бегуноҳ фуқаро улар томонидан отиб ўлдирилган.

1997-1998 йилларда Т. Йўлдошевнинг топшириғи билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида жиноий уюшманинг қуролланган гуруҳи ташкил этилиб, унга Турсунбоев Йўлдош раҳбарлик қилган. Бу гуруҳга Қурбонов Маҳкам, Сувонов Баҳодир ва бошқалар жалб қилиниб, улар Тожикистондаги жангарилар лагерларида тегишли тайёргарликдан ўтганларидан сўнг, жиноий режаларни амалга ошириш мақсадида доимий яшаш жойларига қайтарилганлар. Мазкур гуруҳ 1999 йил 30 июнга ўтар кечаси Самарқанд вилояти Нуробод тумани халқ таълими хазинасидан ўқитувчиларга маош сифатида берилиши лозим бўлган 3 миллион 50 минг сўм пулни ўғирлаб кетган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида «Ўзбекистон исломий ҳаракати» жиноий уюшмасининг юқорида қайд этилган қуролланган гуруҳлари фаолияти фош этилиб, Т.Мамажонов, М.Абдураҳмонов, М.Ашуров, Ж.Турғунов ва бошқалар жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Жиноий уюшманинг А.Йўлдошев, Р.Охунов, Ш.Мадалиев, З.Махмудов ва бошқа аъзолари эса жиноий уюшма раҳбарлари Т.Йўлдошев ҳамда Ж.Хожиевларнинг ихтиёридаги жан-

МАТБУОТ ВА ҲУҚУҚ

# АДОЛАТГА ИШОНЧ

## *Фарғона вилоят прокуратурасининг «Адолат йўли» газетаси хусусида айрим мулоҳазалар*

Хатлар бўлими столи устидаги мактублардан бирини очдим.

«Адолат йўли» таҳририятига, — деб бошланади мактуб. — «Неча ойлардан бери нафақа пули ололмаётганим тўғрисидаги хатим ҳафтаномада босилиб чиққанидан кейин, менинг уйимга келишиб, суриштиришиб, ҳаққимни тўлайдиган бўлишди. Менга ёрдам берганларингиз учун раҳмат...»

Таҳририятга ҳар куни ўнлаб мактублар келади. Кўпчилик хатларда фуқаролар ҳафтанома жамоасидан бошларига тушган мушкул ишни ҳал этишда, ҳақиқатни қарор топтиришда ёрдам сўрашади. Ҳафтанома қанча-қанча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб бераётганини оғизма-оғиз эшитиб ёки аҳён-аҳёнда босилаётган миннатдорлик мактубларини ўқиб, ўз фикр мулоҳазаларини таҳририятга йўллашади...

«Адолат йўли»нинг вилоятда, республикада нашр этилаётган бошқа газеталардан ажралиб турувчи ўзига хос қиёфасининг «алоҳида муҳим белгиси» «Сўнгги саҳифага» рукнидир. Ана шу рукн остида, қисқа ва лўнда босилиб чиқаётган турли-туман мавзулардаги мактублар вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ўзига хос кўзгуси десак, муболаға бўлмайди. Унда муайян фуқаролар бошидан кечираётган, дуч келаётган ноҳақликлар, ишсизлик, ишдан қонунга хилоф равишда бўшатиш, маошлар вақтида тўланмаётгани ҳоллари, оиладаги низолар, фуқаролик шаънининг поймол этилиши каби муаммолар кўзгудагидай акс этади. Шуниси диққатга сазоворки, газетада ҳар сонда бирон-бир мавзуга оид хатлар сараланиб, чоп этилади. Хусусан, табиий газ билан таъминлашдаги узилишлар ёки никоҳи бекор бўлган беваларнинг болалари учун алимент ололмаётганликлари, ота-бола, ака-ука, эр-хотин ўртасидаги уй-жой ёки мерос можаролари тўғрисидаги мактублар алоҳида-алоҳида бериб борилади. Энг муҳими таҳририятга келган биронта хат эътиборсиз қолмайди. Газетада айрим сабабларга кўра босилмаган баъзи хатлар тегишли идораларга текшириб чора кўриш учун юборилади. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, корхона ва ташкилот раҳбарларидан газетада босилган ва босилмай текширишга юборилган мактубларга олинган жавоблар, кўрилган чоралар ёритилади. Айрим мактублар бўйича «Журналист текшируви» ўтказилиб, мақолаларда ўткир муаммолар кўтарилади. Таҳририят ўтган ярим йилда 700 дан зиёд мактублар олди ва улар юқоридагидай тарзда ҳал этилиб, мактуб муаллифларининг диллари таскин топиши, адолат мезонларига ишончлари ортишига хизмат қилди.

«Сўнгги саҳифага» рукнида фақат шикоятлар эмас, фуқароларнинг кенг жамоатчиликка ёрдам сўраб ёзган мурожаатлари ҳам босилади. Чунончи, Тошлоқ тумани Б.Шерматов номли жамоа хўжалигидан Эътиборхон Жўраеванинг мактубини газета мухбири Ё.Қосимова ўрганиб келгач, унинг мақоласи босилиб, саховатпеша кишилар ногирон қизга ногиронлик аравачаси олиб бериб, ўксик кўнгилга малҳам бўлдилар. Шунингдек, пойтахтдаги клиникаларда ўтказиладиган муолажаларга муҳтож беморларга ёрдам бериш мақсадида таҳририят ташаббуси билан ота-оналари, яқин кишиларининг хатлари босилиб чиқишидан ташқари, банкларда беморга алоҳида ҳисоб рақамлари очилаяпти. Бу ҳисоб рақамларига таҳририят жамоаси биринчи бўлиб маблағ ўтказаяпти.

Муассис Фарғона вилоят прокуратураси идораларининг ходимлари ҳафтаноманинг доимий муаллифлари. Улар ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, уларни келтириб чиқарган сабаблар, қонунбузилиш ҳолатлари, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлик савиясини ошириш мавзуларида турли-туман мақолалари билан мунтазам қатнашиб турадилар. Вилоят прокуратураси бу йил ҳуқуқтарғиботнинг савиясини ошириш, фуқаролардаги ҳуқуқий фаолликни, даъвогарлик ҳиссини уйғотиш ва кучайтириш борасида мазмун-моҳиятига кўра давлат аҳамиятига молик ташаббусни бошлаб берди. Вилоят прокурори Ю.Абдукаримов туман ва шаҳарларда одамларни, фуқароларни тўлқинлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларнинг қонуний, ҳуқуқий ечимини топиш ва ўша жойнинг ўзида ҳал қилиш мақсадида сайёр-қабул учрашувларни ташкил этди. Шунингдек, ҳар ойда бир марта вилоятдаги турли матбуот нашрлари, радио-телевидение ходимлари ва журналистларни таклиф этиб, матбуот конференцияларини ўтказишни йўлга қўйди.

— «Адолат йўли» эски тузум даврида шаклланган, истаймизми, истамаймизми, шууримизда ўрнашиб олган, фақат давлат манфаатларига хизмат қилиб, оддий фуқаролар манфаатларини кейинги ўринларга қўйган матбуот қолипларидан холи деб айтишим мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, журналист Тоҳиржон Ҳамроқулов. — Газета тўртинчи ҳокимият даражасига эришишга интилаётгани диққатга сазовор...

— Газетадаги давомли қиссаларни қизиқиб ўқийман, — дейди ўрта ёшли адабиёт муаллими Маҳмуд Мадазимов. — «Латофат дўконидаги қатл», «Қайғусиз қаср», «Деразамни чертганида ёмғир-у шамол...», «Ойсиз оқшомлар» каби қиссаларнинг биронта сонини қолдирмай ўқиб чиққанман. Ҳафтада икки-уч марта чиққанда қани эди...

— Яхши-яхши шеърлар чиқади, кўпини ёдлаб оламан, — дейди Санобархон Хўжаева.

Бу гапни институт талабаси ёки ўқитувчиси эмас, деҳқон бозорида, томорқасида етиштирган меваларини сотиб ўтирган аёлдан эшитиш... Мухбирга, шоирга битмас-туганмас илҳом бағишламайдими?

Машҳур шоир Охунжон ака Ҳакимов «Адолат йўли»нинг устоз муаллифи, доимий мухлиси. Оҳунжон аканинг ҳаётий мисоллар асосида ёзаётган ахлоқий, маърифий мақолалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўқувчини ўзига ўзгаларнинг назари билан қарашга мажбур қилиб, феълу атворидаги иллатлардан тозаланиб, покланиб боришига даъват этади. Охунжон аканинг газетада босилаётган шеърлари энди шеър машқ қила бошлаган, шеърият бўстонига энди қадам қўяётган ёшлар учун ўзига хос мезондир.

— Газета адабиёт саҳифасини мунтазам бериб бораётгани яхши, — дейди Охунжон ака. — Таҳририят ёш шоир ва ёзувчиларни кашф этаяпти. Шулардан бири Абдулла Содиқ ҳозир таҳририятнинг ўзида ишлаб, эзгу туйғуларини мақола ва қатраларда ифодалаб беряпти. Энг obрўли... 

«Адолат йўли» вилоят ва туман шаҳарларидаги газета-журнал дўконларида тахланиб ётмайдиган, ўқувчилар ҳатто эски сонларини ҳам излайдиган суҳбатдош бўлиб қолди. Бунга ҳафталик теледастурларни бериш, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган аксарияти ёлғон-яшиқлардан иборат, бироқ газетхоннинг ҳис-туйғуларини жунбушга келтира оладиган, «Интернет» орқали бутун дунёга тарқаладиган сенсация ва ғаройиботларни тўтиқушдай такрорлаш орқали эмас, («Интернет ҳаққоний, чиндан газетхонлар эътборини тортадиган воқеа-ҳодисаларни ҳам тарқатишига шак келтирмоқчи эмасмиз) оддий фуқароларнинг дилидаги ўйлари, дардлари, воқеа-ҳодисаларга муносабатларини ўқимишли, қизиқарли, таъсирчан қилиб ёрита олаётгани туфайли эришмоқда.

Газетанинг ўқимишлилигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири, унинг неча нусхада босилаётганидир. 2000 йил бошида «Адолат йўли»нинг тиражи салкам 32 минг нусхани ташкил этди. Бу оммавийлиги жиҳатидан республикадаги етакчи нашрлар қаторида турishидан дарак беради. Газета маблағ билан ўзини-ўзи тўлиқ таъминлаяпти. Ўз маблағлари ҳисобидан идора учун бино, жиҳозлар, компьютерлар харид қилиб олди. Нашриётни кенгайтириш имкониятларини излаяпти ва топаяпти. Газета кашф этаётган ёш истеъдодларнинг шеърлар тўпламлари, қисса ва ҳикоялари «Адолат йўли» кутубхонаси» сериясида таҳририят маблағига китоб ҳолида нашр қилинаяпти.

Таҳририят рус тилида сўзлашувчи аҳоли ўртасида ҳуқуқ- тарғиботини кенг йўлга қўйиш мақсадида вилоят прокуратурасининг қўллаб-қувватлаши билан «Криминальние вести Ферганы» газетасини чиқарди. Оёққа туриб олган ушбу газета таҳририяти ҳозир алоҳида ҳуқуқий нашр сифатида фаолият кўрсатаяпти. Номи бироз ўзгарган «Вести долини» газетаси Фарғонадан ташқари Андижон ва Наманган вилоятларида тарқалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оммавий ахборот воситалари қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов, Олий Мажлис депутати адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуров шу йил баҳорда таҳририятга ташриф буюриб, унинг иш фаолияти билан танишиб юқори баҳо беришди.

Таҳририятнинг муаммолари, камчиликлари йўқ эмас. Хусусан, на муҳаррир, на ходимлар газетанинг мазмун-моҳияти билан қаноатланишаётгани йўқ. «Летучка» — муҳокамалар чоғи ҳар бир газетадан, айрим мақолалардан нуқсон ва камчиликлар топиб, танқидий баҳолашади. Зеро, ўз-ўзидан қониқиш ҳисси пайдо бўлган чоғда ижодий изланиш тўхташини «Адолат йўли»-ходимларига эслатиб туришнинг ҳожати йўқ.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Ҳуқуқ» мухбири**

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

**1999 йилнинг 16 февралида мамлакатимиз пойтахтида юз берган машъум воқеалар шуни кўрсатадики, салгина бепарволик осойишта ҳаётимизни кўра олмаган душманларимизнинг ғаразли мақсадларини амалга оширишлари учун қулай имконият туғдириши мумкин экан. Бу воқеалардан тегишли сабоқ чиқарилди, маълум чора-тадбирлар кўрилди.**

Навоий вилоят прокуратурасида ҳам фуқароларга қонунлар моҳиятини тушунтириб бориш, ҳуқуқ тарғиботи ишларини янада жонлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаяпти. Прокуратура ходимлари иштирокида вилоят ҳудудидаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларда турли мавзуларда учрашувлар, савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари ўтказилиб турилибди. Шунингдек, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида «Огоҳлик — давр талаби», «Ёшларни ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш» мавзуларига бағишланган тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилган.

# ОГОҲЛИК — МУҚАДДАС БУРЧ

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан 1997 йилдан вилоят ҳуқуқтартибот идораларининг «Қонун кучи» газетаси чоп этила бошланган эди. Жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса рус тилида чиқаётган «Фемида» деб номланган газета муштарийлар қўлига етиб бормоқда. Шунингдек, ходимларимиз вилоят телевидениеси ва радиоси орқали доимий равишда чиқишлар қилиб боришаяпти.

Яқинда эса Навоий шаҳрида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари» мавзусида республика миқёсидаги минтақавий амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро вилоятидан келган вакиллар иштирок этишди. Ушбу семинарда вилоятнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари раҳбарлари қатнашиб, ёшлар тарбияси билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан ўз муносабатларини баён этишди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар гал куйиниб айтадиган қуйидаги сўзларини яна бир бор такрорлашни жоиз деб биламан: «Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя дегани аввало огоҳ бўлиш дегани».

**Ф.БЕГИМОВ,**
**Навоий вилоят прокурорининг**
**катта ёрдамчиси, 2-даражали юрист**

# СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАДИ ХАЛҚ

**Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида юз берган нохуш воқеаларни кўриб, юртимиз тупроғига суқилиб кирмоқчи бўлган ёвуз ниятли босқинчиларга нисбатан ҳамюртларимизнинг нафратлари янада ортди. Фақат ва фақат огоҳлик бизни ўша нонкўр террорчиларнинг хуружларидан ҳимояловчи куч бўлиб қолди.**

Туманимиз ҳудудида ҳушёрликни ошириш борасида барча чора-тадбирларни кўришга ҳаракат қилаяпмиз. Туманимизнинг ҳудуди анча катта эканлигини инобатга олиб, мавжуд постлар сонини яна бештага кўпайтирдик. Уларни транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш муаммолари ҳам ҳал этилди. Маҳалла посбонлари, ички ишлар бўлими ходимларининг фаолиятлари янада кучайтирилди.

Туманимиздаги қишлоқлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, ширкат хўжаликларида «Ўз уйингни ўзинг асра!» мавзусидаги ҳуқуқий-маърифий тадбирларни ўтказиб туриш яхши йўлга қўйилди.

ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларимиз ҳам ижобий самаралар бермоқда. Масалан, ана шундай тадбирлар натижасида туманимиз ҳудудида яшириниб юрган Қирғизистон Республикаси фуқароси Ҳ.Мусаев, қидирувда бўлган И.Шодиев ҳамда Т.Баҳронов сингари жиноятчилар қўлга олинди.

Халқимизда «ўзимдан чиққан балога, қайга борай даъвога» деган мақол бор. Бу нақл нақадар ҳаётий эканлигига барча ҳамюртларимиз амин бўлдилар, деб ўйлайман. Ёш умрларини бемақсад йўлларда қурбон қилган, ҳали ўн гулидан бири очилмаган йигитларнинг жонсиз жасадларини кўриб, эсиз умр, дейди киши беихтиёр. Аслида улар ҳам шу ватан фарзандлари каби истиқлол нашъасидан баҳра олиб, тинч-тотув кунларимизга шукрона айтиб яшашлари керак эди. Аммо, ўз ватанига қурол кўтариб кириш... Буни ким ҳам оқларди. Аксинча, республикамизнинг ҳар бир фуқароси уларнинг бу ҳатти-ҳаракатларини кескин қоралади, қораламоқда.

Балким, у кунлар ҳам даврнинг бир синовидир. Истиқлол қадрига етишга ундашнинг бир кўринишидир. Лекин, нима бўлганда ҳам мамлакатимиз аҳли унинг қадрини яхши англаб етган. Мустақиллигимизни ҳимоя этишга бирдек тайёр. Бу ишларнинг барчаси эса аввало, огоҳликдан, ҳушёрликдан бошланади.

**Хайрулло ҲАСАНОВ,**
**Пешку туман прокурори**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

## РЕЗОЛЮЦИЯ МАЪҚУЛЛАНМАДИ

**АҚШ конгресси вакиллик палатаси президент Билл Клинтоннинг 1915 йилда турклар томонидан арманларга қарши ўтказилган геноцид хусусидаги резолюция лойиҳасига овоз бермаслик тўғрисидаги чақириғини рад этганди. Аммо кўп ўтмай конгресс аъзоларининг фикри ўзгарди.**

Клинтоннинг фикрига кўра, мазкур резолюциянинг қабул қилиниши кўплаб америкалик фуқаролар ҳаётини хавф остига қўйиши ва Яқин Шарқдаги зиддиятларни янада кучайтириши мумкин.

Туркия томони эса ушбу резолюция маъқулланган тақдирда, АҚШга қарши санкция эълон қилиши ва савдо алоқаларини тўхтатишини маълум қилганди. Шунингдек, Туркия резолюция қабул қилинадиган бўлса Ироқ ҳаво ҳудудларини назорат қилаётган Америка қирувчи самолётларини мамлакат ҳарбий-ҳаво базаларидан учишини таъқиқлаши ҳамда АҚШ компаниялари билан тузилган 4,5 млрд. долларлик мудофаа шартномасини бекор қилиши хусусида огоҳлантирганди.

## «КУРСК» ОПЕРАЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Баренц денгизида об-ҳавонинг ёмонлашувига қарамасдан ҳалокатга учраган «Курск» атом сувости кемасида ётган денгизчиларнинг жасадларини олиб чиқиш билан боғлиқ ишлар давом эттирилмоқда.

Айни пайтда денгиз узра жанубий-ғарбдан эсаётган шамолнинг тезлиги секундига 20 метрни ташкил этаяпти, ҳарорат эса 2-3 даража пасайган, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғиб турибди. Денгиз тубида ётган «Курск»нинг радиациявий ҳолати ҳам меъёрда. Ўтказилган барча тиббий текширишлардан ғоввосларнинг ҳолати яхши эканлиги маълум қилинган.

Ўтган душанба куни ғоввослар кеманинг 8 ва 7-бўлмалари корпусига бортни қирқишда ишлатиладиган технологияларни жойлаштирганлар.

Яқин кунлар ичида кема ичидаги жасадларни олиб чиқишнинг илк босқичи бошланиши кутилаётир.

## ПРОКУРАТУРА ҲАМКОРИ... ҚЎПОРУВЧИ



Манхэттен федерал судида иши кўрилаётган 48 ёшли Али Муҳаммад ҳақидаги маълумотлар Америка махсус хизмати ходимларига аввалдан маълум эди. 1980 йилларнинг бошида асли мисрлик бўлган бу фуқаро Марказий разведка бошқармасига ишга кириш мақсадида АҚШга йўл олади. Бироқ америкаликлар томонидан билдирилган ишончсизлик унинг ниятини амалга ошишига йўл бермайди.

Аммо бу ҳол Али Муҳаммадга олдига қўйган мақсади сари интилишига халақит беролмайди. У 1985 йилда Америка визасини ва кўп ўтмай АҚШ фуқаролигини олишга сазовор бўлади. Шундан кейин Али Муҳаммад Шимолий Каролина штатидаги АҚШ махсус кучлари жойлашган бўлинма сафига киришга муваффақ бўлади ҳамда бу ерда у уч йил давомида Яқин Шарққа жўнатилаётган ҳарбий хизматчиларни араб маданияти ва урф-одатлари билан таништиради. Бу хизматлари учун уни сержант унвони билан тақдирлашади.

1995 йилда Манхэттенда исломий қўпорувчилар БМТ штаб-квартирасини, МРБнинг Нью-Йорк бўлимини, Гудзон тоннелини ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган жойларни портлатишни режалаштириш мақсадида йиғиладилар. Мазкур йиғилишлар асосида тўпланган материаллардан маълум бўлишича, Али Муҳаммад Нью-Йоркка ҳам тез-тез келиб турган ва АҚШ армияси сафида хизмат қилиш билан айни бир вақтда Афғонистондаги совет қўшинларига қарши давом этаётган жиҳодда қатнашиш истагида бўлган мусулмонларни ҳарбий ишга ўргатган.

Мисрлик муҳожир Саид Носир ҳам шу ерда Али Муҳаммад билан ҳамкорлик қилган ҳамда Манхэттен меҳмонхоналаридан бирида «Яҳудийлар ҳимоя лигаси»нинг асосчиси Меир Каханни отиб ўлдириб, сафдошлари орасида катта обрў топган.

Айни пайтда АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини портлатишда айбланаётган 17 нафар фуқаронинг номи эълон қилинган. Гуноҳкорлар ичида Муҳаммад ҳукуматдан енгиллик берилишини назарда тутиб, ўз айбига иқрор бўлган. Бошқа бир маълумотларга кўра, Муҳаммад ҳозирда федерал прокуратура билан ҳамкорлик қилаётган экан.

Келгуси йилнинг 3 январида мазкур гуруҳга мансуб террорчилар устидан бошланадиган суд жараёнида Али Муҳаммаднинг беш нафар сафдошига нисбатан берган кўрсатмаларининг эшитилиши кутилмоқда. Айбдорларнинг уч нафари Буюк Британияда, уларнинг 8 нафарига, шу жумладан Усама бин Ладенга нисбатан эса қидирув эълон қилинган.

Али Муҳаммад террорчилик ҳаракатлари учун умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилиши мумкин. Агарда унинг хавфсизлик кучлари билан ҳамкорлиги ва тергов ишларига яқиндан ёрдам берганлиги инобатга олинадиган бўлса, тайинланадиган жазо анча енгиллаштирилади.

## РЕЖАЛАР БАРБОД БЎЛИШИ МУМКИН

Яқин Шарқ минтақасида бўлаётган воқеалар Исроил ва Фаластин етакчиларини тинчлик даврида ҳатто ўйлаб кўрмаган қадамларни босишга мажбур этмоқда. Бунда ҳар икки томон ҳам ўзини жабрдийда деб топмоқда.

Ҳозирда икки давлат ўртасида бўлаётган воқеалар эр-хотин ўртасида никоҳни бекор қилиш можаросини эслатмоқда. Бугунги кунда Исроилда вужудга келган вазият фаластинликларни асло қониқтирмайди. Сабаби Исроил бош вазири ўрнига собиқ генерал Ариэль Шарон келиши кутилмоқда. Ариэль Шероннинг ҳукумат тепасига келиши Баракнинг яқин Шарқ минтақаси бўйича режаси бекор бўлишига олиб келади. Мутахассисларнинг таъкидлашича бу ҳолат рўй бериши мумкин, чунки таътилдан қайтаётган Кнессет (қонун чиқарувчи олий орган) ҳозирги бош вазирнинг хатти-ҳаракатларидан мутлақо норозидир.

Баракнинг режаси бўйича Фаластин ерлари тиғли сим билан ўраб чиқилади ва фаластинлик ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар Исроил ҳудудига кириши умуман ман этилади.

Агар 29 октябрь — Кнессет йиғилишининг бошланиши — Барак учун ҳал қилувчи кун бўлса, 15 ноябрь эса Арофат учун «байрамона» кундир. У Фаластин давлатини қанча вақтдан бери мустақил деб эълон қилишни неча маротаба ваъда қилиб уддасидан чиқмай келаётган бўлса, бу куни у ўз ваъдасини бажаришга мажбур бўладиган кўринади. Чунки нотинчликларни келтириб чиқараётганлар душман томон билан келишувга музокаралар ўтказиш билан эмас, балки куч ишлатиш орқали эришиш мумкин, деб таъкидламоқдалар.

АҚШ сиёсатчиларининг фикрича, Фаластинда мустақилликнинг эълон қилиниши Арофатга, шунингдек Исроилда ҳукумат тепасига Ариэль Шароннинг келиши Баракка дунё миқёсида обрў олиб келмайди.

## Internet ХАБАРЛАРИ

**АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир билан учрашди. Бу эса Шимолий Корея раҳбари учун АҚШ фуқароси билан бўлган илк учрашув ҳисобланади. Агар ташриф муваффақиятли якунланса, тез орада Президент Клинтоннинг шимолий Кореяга келиши кутилмоқда.**

**Би-Би-Си мухбирининг таъкидлашича, Олбрайтнинг Пхеньянга ташрифи Хитой мудофаа вазири Чи Хао Тяннинг ташрифи билан бир вақтда тўғри келишида рамзий маъно бор. Сабаби 1950-1953 йиллардаги корейслар урушида бу икки давлат бир-бирига душман бўлишганди. АҚШ томони юқори лавозимли амалдорларидан бирининг айтишича, алоқалар натижаси ўлароқ Шимолий Корея АҚШни безовта қилаётган баъзи саволларга нисбатан жиддий қарор қабул қилиши мумкин. Улар орасида ракета ва ядро қуроллари ишлаб чиқариш ҳамда терроризм масалалари ҳам бор.**

***

**Канаданинг бош вазири Жан Кретьен шу йилнинг 27 ноябрида, яъни муддатидан ярим йил аввал сайловлар ўтказилишини маълум қилган. Кретьен парламент сайловларини мамлакат бюджет тақчиллиги даврига ўтмасдан туриб ўтказилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган.**

**Канада альянси мухолифат партияси эса солиқлар миқдорини камайтиришни таклиф этмоқда.**

**Сайловларнинг муддатидан илгари ўтказилишини эса мазкур ва бошқа мухолифат партиялар Бош вазир ўзи мансуб бўлган либерал партиянинг халқ орасидаги айни вақтдаги юқори обрўсидан фойдаланиб қолиш мақсадида қилинмоқда деб баҳолашаяпти.**

***

**Перу разведкасининг собиқ ходими Владимиро Монтесинос порахўрлик билан айбланган боис мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўлганди. Мана орадан бир ой ўтгач, у ўз ватанига қайтишга қарор қилди.**

**Бу орада Монтесинос сиёсий бошпана сўраб Панама ҳукуматига мурожаат қилган эди. Бироқ бугун унинг бу илтимоси рад этилгани маълум бўлди. Шундан сўнг у шахсий самолётида Эквадорда жойлашган Гуаякиль шаҳрига йўл олади. Ҳукумат раҳбарлари Монтесиноснинг бошпана сўраб мурожаат этмаганлигини билдиришди. Аэропорт ходимларининг сўзларига қараганда, самолёт Перу томонга учиб кетган.**

**Владимиро Монтесиноснинг Перудан қочиб кетишига энг асосий сабаб унинг сиёсий арбоблардан бирини сотиб олишга уринган пайт суратга олинган видеоёзув бўлган. Ушбу можаро Президент Альберто Фухиморини зудлик билан сайловлар ўтказишга ҳамда хавфсизлик хизмати таркибини қайта кўриб чиқишга мажбур этган.**

**Хабарларни Ж.ШАРОФБОЕВ тайёрлаган**



## ТАРТИБСИЗЛИКЛАР КУЧАЙМОҚДА

**Маълумотларга кўра, Нигериянинг жануби-шарқида икки этник гуруҳ ўртасида юз берган тўқнашув натижасида 100 га яқин одам ҳалок бўлиб, оммавий тартибсизликлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам кўчмоқда. Хусусан, Лагосда йоруба қабиласи вакилларидан иборат «Одуа халқ конгресси» қуролли гуруҳи мамлакатнинг шимолидан келган хаусликларга ҳужум уюштирган. Полиция томонидан мазкур ноқонуний гуруҳ аъзоларидан 200 нафар киши, шу жумладан, уларнинг раҳбари қамоққа олинган.**

## «МИЛОШЕВИЧ АЙБДОР, ЛЕКИН ҒАРБ ҲАМ ФАРИШТА ЭМАС...»

**Югославия армиясининг Бош штаби собиқ бошлиғи, айни вақтда эса Демократик Сербия ҳаракатининг раҳбари Момчило Перишич яқинда журналистларга берган интервьюсида ана шундай деб таъкидлаган.**

Момчило Перишич шу вақтгача армия доирасида юқори нуфузга эга бўлиб келган бўлса, октябрь воқеаларидан кейин у халқ орасида ҳам анча обрўга эга бўлди. Ўша кунлари у сайловда мағлубиятга учраб, аламзада юрган президент Слободан Милошевичга итоат этишдан бош тортади ва унинг намойишчиларга қарши куч ишлатиб, мухолифат раҳбарларини қамоққа олиш тўғрисидаги буйруғини кескин рад этади. Генерал юз бераётган ўзгаришларга шу тарзда ўз муносабатини билдириш билан кифояланиб қолмасдан, қўлига автомат тутиб халқ сафига келиб қўшилади.

— Россия ҳукумати ҳам Коштуницанинг ҳокимият тепасига келишига муносиб ҳисса қўшди, — дейди у суҳбат давомида. — Милошевич ҳам охир-оқибат бир томондан халқаро жамоатчиликнинг, иккинчи томондан қардош Россиянинг ва ўз халқининг талабига биноан эгаллаб турган лавозимидан кетишга мажбур бўлди.

Менинг фикримча, Милошевич ўз халқига нисбатан жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Биз бу ҳақда ЮСР президенти томонидан имзоланган конвенцияда ҳам таъкидлаб ўтганмиз. У қилмишлари учун аввало бизнинг одил судимиз олдида жавоб бериши лозим. Мен унинг иши халқаро трибунал томонидан кўриб чиқилишига ҳам қарши эмасман. Лекин Гаага суди масалага объектив қарайдиган бўлса, у ҳолда мамлакатимизни бомбардимон қилишга буйруқ берган ғарб сиёсатчилари ҳам жиноятлари учун суд қилиниши шарт. Сабаби, улар ҳарбий жиноятга қўл уришган.

Генерал суҳбатдошининг Сиз АҚШ ва НАТОнинг Болқон ва мамлакатингизга нисбатан ҳозирги муносабати хусусида нима дея оласиз, — деган саволига қуйидагича жавоб берган:

— Халқаро жамоатчилик, аввало ғарб давлатлари ўзларининг стратегик мақсадларини амалга ошириш учун Югославиядаги низоларни тинчитишга ҳаракат қилишган эди. Бизнинг баъзи сиёсатчиларимиз ҳам уларнинг даллолчилик хизматига хайрихоҳ қарашди ва бу охир-оқибатда қон тўкилишига олиб келди. Нима учун баъзи бир худбин сиёсатчиларнинг касрига халқ жабр кўриши керак?

Эндиликда биз ўз йўлимизни топиб олишимиз учун жуда катта кучга муҳтожлик сезмоқдамиз. Бундан фойдаланган НАТО ва бошқалар бизга халақит бераверадилар....

## KROSSVORD




**БЎЙИГА:** 1. Халқ хўжалиги тармоғи. 2. Виждон, инсоф. 3. Мевали ёввойи ўсимлик. 4. Абдураимов (футболчи). 5. Ишора. 6. Бошқирдистондаги шаҳар. 7. Россиянинг юқори органларидан бири. 8. Ширинлик тури. 12. Кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларининг пул бирлиги. 14. Сайёра номи. 15. Европадаги давлат пойтахти. 18. Ҳарбий хизматчи. 19. Қизлар исми. 20. Майдаланган гўшт. 21. Кишининг яқин дўстлари. 23. Қишлоқ хўжалигининг соҳаларидан бири. 24. Тишни қоплаб турган эт. 25. Фарёд. 27. 1982 йилги жаҳоннинг энг кучли футболчиси. 28. Руслан Шарипов ав Юлдуз Усмонова дуэти. 31. Ўзбек автомобили русуми. 34. Шифо маскани. 35. Диний мазхаб етакчиси. 36. Йўловчи ташувчи автомобиль. 37. Ўзбекистонлик ака-ука футболчилар. 38 Рўза тутиладиган ой. 40. «Пахтакор-79» футбол жамоасининг мархум аъзоси. 41. Шарқона чекимлик. 48. Авлод, насл. 50. Туман ёки вилоятдаги энг юқори лавозим. 53. Манзарали ўсимлик. 55. Овознигор. 59. Озғин. 60. Ўз ишининг малакали мутахассиси. 61. Электр токи кучининг ўлчов бирлиги. 62. Хомаки чизма. 63. Таниқли боксчининг исми. 65. Маълум бир томонга йўналган сув. 69. Саноқ сон. 70. Электромагнит нур. 72. Ўсимлик танаси қисми. 73. Туркиядаги шаҳар. 74. Ғам, қайғу. 75. Россиянинг Хакасия Мухтор вилояти маркази. 76. Европадаги давлат. 78. Осиёдаги давлат. 79. Бошоқли экин. 81. Зеҳн, фахм-идрок. 82. Муҳаббат.

**ЭНИГА:** 1. Республикамиздаги вилоят. 9. Қатъий тартиб-қоида. 10. Ҳайвонот дунёси. 11. Волга дарёсининг ирмоғи. 13. Маълум қонун-қоидалар мажмуи. 14. «....майдонда синалади» (мақол). 16. Ривоят, достон. 17. Ривожланиш. 22. Геометрик шакл. 26. Кавказдаги дарё. 29. Тун қуши. 30. Замондош ўзбек шоири. 31. Гард, ғубор. 32. Жиззах вилоятидаги туман. 33. Сезги органи. 34. Донли ғалла ўсимлиги. 36. Бобурий ҳукмдорларидан бири. 39. ...ва Жулъетта. 41. Тур, хил. 42. Қовун нави. 43. Таниқли француз футбол жамоаси. 44. Чидам, бардош. 45. Хизматкор аёл. 46. «Калипсо» экспедициясининг раҳбари. 47. Яхши, ортиқ. 49. Кўз очиб юмгунча ўтган вақт. 51. Озгина. 52. Оғир эмас. 54. Эстониядаги шаҳар. 56. Қасам. 57. Киракаш автомобиль. 58. «Сувга тушса кўпирар, озодаликни сақлар». 62. Рўзғор буюми. 64. АвтоВАЗ атомобили. 65. Қимматбаҳо тош. 66. Спиртли ичимлик. 67. Ўқотар қурол. 68. Эквадор пойтахти. 69. Хилват, пана жой. 71. Ранг тури. 75. Мудофаа иншоотларида ўқ отиш учун қўйилган туйнук. 77. Ўхшатма шеър. 78. Дуруст, маъқул. 80. Бадиий асар. 81. Ниши бор ҳашорот. 83. Хулқ, одоб. 84. Шалола. 85. Ла-Манш бўғозидаги Буюк Британияга қарашли ороллар номи.

Тузувчи: З.ҲАСАНОВ

## ҚАҲ-ҚАҲА

# СИГАРЕТИМНИ ТУТАТИБ ОЛДИМ, ХОЛОС...

Йирик фирманинг директори ёшгина янги котибасидан сўраяпти:

— Азизим, шошилинч факсни мен айтган манзилга юбордингизми?

— Албатта, кечанинг ўзидаёқ бешинчи вагон проводнигидан бериб юбордим...

***

Гулхан атрофида иккита овчи суҳбатлашаяпти. Улардан бири иккинчисидан сўраяпти:

— Ёшлигингда кўпроқ нимага қизиқардинг?

— Қизларга ва аёлларга.

— Кўпроқ нима овлардинг?

— Қизларни...

***

Юқори лавозимли амалдор журналистга:

— Газетанинг телевизордан афзаллик томонлари хусусидаги фикрларимни ҳам мақолада қистириб ўтинг ва телевизорнинг асосий камчилиги ҳақида ёзишни унутманг.

— Қанақа камчилик экан?

— Биласизми, телевизор экрани устига юзингизни қўйиб ҳеч ҳам ухлай олмайсиз-да!..

***

Ишга бузуқ кайфиятда келган фирма бошлиғидан котибаси сўраяпти:

— Эрталабдан жуда ёмон кайфиятдасиз. Сизга нимадир етишмаяптими?

— Ҳа, ҳисобчим ва у ўзи билан олиб кетган икки юз минг доллар етишмаяпти...

***

Беш ёшли болакайни отаси койияпти:

— Сенга неча марта айтишим керак, гугурт билан ўйнама, деб.

— Мен ўйнаганим йўқ, сигаретимни тутатиб олдим, холос...

## СПОРТ

# ШУМАХЕР ҲАМОН БИРИНЧИ



Малайзияда ўтказилган гран-при Формула-1 автопойгасида мавсумнинг охиргиси бўлди ва у Михаэл Шумахернинг ғалабаси билан якунланди.

Немис автопойгачиси бундан икки ҳафта илгари Японияда ўтказилган мусобақада ғолиб чиқиб, 2000 йилнинг чемпиони деган шарафли номни сақлаб қолганди.

Куала-Лумпурнинг Сепанг трассасидаги муваффақият унга мавсумдаги 9 ғалабани олиб келди. Мавсумда ўтказиладиган 10 та ўйиннинг барчасида биринчиликни қўлга киритиш эса шу пайтгача ҳеч кимга насиб этмаган.

Михаэлнинг абжирлиги туфайли жамоа ҳисобида ҳам «Феррари» жамоаси икки йилдан буён биринчиликни эгаллаб турибди.

# ТАЙСОННИНГ ОХИРГИ ЖАНГИМИ?

***Оғир вазндаги профессионал боксчилар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон Анже Голото билан бўладиган учрашуви унинг рингдаги сўнгги жанги бўлишини таъкидлаган эди. Тайсон журналистларга берган бошқа интервьюларида ҳам ўзининг бу қарорини бир неча марта таъкидлаган эди. Эслатиб ўтамиз, бу жанг учун Майк Тайсон (вазни 100 кг.) 10 миллион доллар, унинг рақиби Голота (оғирлиги 108 кг.) 2,2 миллион доллар олади.***

Учрашув олдидан ҳар иккала боксчи жуда яхши реклама қилинди. Ўтказилажак жанг тақдири нима билан тугаши хусусидаги башоратлар ҳам сероб бўлди. Аксарият мухлислар ва экспертлар Тайсон - Голото жангида Майкнинг ғалаба қозонишини олдиндан фараз қилган эдилар ва шундай бўлди ҳам. Рақибининг учинчи раундни давом эттиришга юраги дов бермади.

Мухлислар ёдида бўлса, Майк бундан аввал ўтказган жангида рақиби Лу Саварезени биринчи минутдаёқ масаласини ҳал қилиб қўйган эди. Ўшанда Тайсон кучли зарба билан мухолифини ерга чўзиб қўяди. Лу бир амаллаб ўрнидан туради, аммо ўзини идрок эта олмайди.

Рақибининг оёққа турганидан ғазабланган Тайсон яна унга зарба беришга уринади. Аммо унинг «темир» мушти уларни ажратмоқчи бўлган ҳакамга тегиб уни ҳам ағанатади. Бунинг учун Майк мўмайгина жарима тўлашга мажбур бўлади.



Куз...

## Қутлов

*Ҳурматли Фазилатхон!*

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ҳаётингизда тўкис бахт ва ишларингизга омад тилаймиз.

**Ҳамкасбларингиз**

## СЎНГГИ УСТУН

# АЙБДОР ВАЗИР

**Австрия транспорт вазири Михаэл Шмиднинг автомобилни бошқариш билан айни бир вақтда мобиль телефони орқали сўзлашаётгани мамлакат телеканалларидан бири орқали намойиш этилганди. Ушбу воқеадан сўнг Шмид айбига иқрор бўлиб, полиция маҳкамасига ташриф буюрди ва ихтиёрий равишда 20 доллар миқдорида жарима тўлади.**

Вазир бу билан ҳам кифояланиб қолмасдан матбуот орқали парламент аъзоларидан узр сўради ва рулни бошқараётган вақтда уяли телефонда гаплашишни таъқиқловчи қонунни қизғин қўллаб-қувватлашни билдирди.

Маълум бўлишича, Шмидни одатда хизмат машинасида ҳайдовчиси олиб юрган. Ўша куни эса машинани вазирнинг ўзи бошқарган ва йўлда кетаётган вақтда жиринглаб қолган телефонни беихтёр равишда қулоғига тутган.

# РЕКЛАМАНИНГ ФОЙДАСИДАН...

**«Esti Ekspress» газетаси фирмалардан бирини реклама қилишда вазирлар маҳкамаси аъзоларидан бир гуруҳининг суратидан фойдаланганди. Бу эса газетага қимматга тушди ва ҳукумат уни реклама тўғрисидаги қонунни бузганликда айблади.**

Маълум бўлишича, газета рекламада вазирларнинг суратидан фойдаланишдан олдин уларнинг ҳар биридан рухсат сўраши шарт экан. Эндиликда эса у 1;5 миллион кронага тушиб турибди. Газетадан ундириладиган шу миқдордаги жарима болалар шифохонаси ҳисобига ўтказилади.

# «ҚИЗИЛ КИТОБ» ҚАЛИНЛАШМОҚДА

**Инсониятнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига бўлган ғайритабиий муносабати оқибатида уларнинг миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Яқинда Лондонда чоп этилган «Қизил китоб» муаллифлари бу ҳақиқатни қатъий тасдиқладилар.**

Маълумотларга кўра, 11046 нафар ҳайвон ва ўсимликлар тури ҳалокат ёқасига келиб қолган. Масалан, ўрмонларнинг оммавий кесилиши сабабли бир қанча ҳайвонлар миқдори деярли 50 бараварга камайиб кетган. Айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ва Бразилия ҳудудларида яшовчи жониворлар ҳаёти катта хавф остига тушиб қолган. Бу борадаги энг оғир аҳвол эса Марказий ва Ғарбий Африкада кузатилмоқда.

## АНА, ХОЛОС...

# УЧРАШУВ ЖОЙИ ИНТЕРНЕТ

**Тюмень шаҳрида яшовчи юзга яқин ёшлар ўзларига муносиб жуфтни интернет хизматидан фойдаланиб топганлар. Бу маълумот журналистларга шаҳар оила хизмати томонидан маълум қилинган.**

**Оила хизмати ходимларининг таъкидлашларича, интернет афзалликларидан фойдаланиш натижасида оила қурмоқчи бўлганлар учун махсус уюштириладиган кечалар ва мижозларнинг бевосита мурожаат этишлари бирмунча камайган.**

**Интернет орқали топишганларнинг оила қуриш натижаси ҳам дискотекалардаги танишувлардан анча юқори экан. Нима ҳам дердик, шундай йўллар билан техника имкониятлари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини забт этмоқда.**

## ДАВР ВА ОДАМЛАР

# САХОВАТПЕША ШИФФЕР

Дунёдаги энг таниқли манекеншалардан бири Клаудиа Шиффер ўз ҳаётини бошқача қуришга аҳд қилди. Йўқ, у турмушга чиқишга ҳаракат қилмаяпти. Аксинча 31 ёшга қадам қўйган бир вақтида у бу оламда пул ишлаб топишдан ҳам муҳимроқ нарсалар борлигини тушуниб етибди. Унинг моддий жиҳати ҳақида сўз очиладиган бўлса, маълум қиламизки Шиффер 30,2 млн. доллар билан ҳамкасабалари орасида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Эндиликда у «унутиб қўйган» дўстлари билан учрашишни, табиат қўйнига сайр этишни, дўконларни айланишни, хуллас, жаҳондаги миллионлаб аёллар каби ҳаёт кечиришни ихтиёр этган. Шунингдек, у хайр-саховат ишларини жуда муҳим деб билмоқда ва бунга амал қилаяпти. Масалан, яқинда у Бангладешга қилган саёҳати чоғида яқинда туғилган чақалоқнинг ота-онасига яхшигина саховат кўрсатган. Клаудианинг сўзларига қараганда, у моддий жиҳатдан яхши таъминлангани учун саховатли ишларини янада давом эттираверади.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Жазони ижро этиш жойларида қонунлар устидан назорат қилувчи Тошкент прокурори Мухтор Муҳамедовга отаси

**Абдуғофур МУҲАМЕДОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.